КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 215 (5564).

1 НОЯБРЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ФАҲРИЙ МУКОФОТЛАР

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган Тошкент областидаги бир қатор корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларни Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг Фаҳрий ёрлиғи билан мукофотлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бундай юксак мукофотга қуйидагилар сазовор бўлди:

«Ўзбекгидроэнерг о с т р о я» трести «Энергоиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Средазэнергомонтаж» давлат Союз трести Ўзбекистон монтаж бошқармаси.

СССР Министрлар Совети Давлат стандартлари комитети Тошкент «Эталон» тажриба заводи.

Ўзбекистон ССР қурилиш Министрлиги асфальт-бетон заводи.

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати Министрлиги Янгийўл экспериментал колбасасут бирлашмаси.

«Главташкентстрой»н и н г Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трести.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози.

Қуйи Чирчиқ районидаги Волков номли совхоз.

Бўка районидаги «Кўкорол» совхози.

Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхози.

Юқори Чирчиқ районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Сурхондарё областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, 1975 йилги юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 30 октябрда бажардилар. Давлат тайёрлов пунктларига 425 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди. Бу пахтанинг 196 минг тоннаси машиналар билан терилган. Пахта тайёрлаш беш йиллик халқ хўжалик плани 105,3 процент бажарилди. Беш йил мобайнида давлатга 2071,4 минг тонна, шу жумладан пландан ташқари 104,4 минг тонна пахта сотилди. Бу йил областда пахтанинг ғоят қимматли ингичка толали навларини етиштириш анча кўпайди. Жами тайёрланган пахтадан унинг ингичка толали навлари 32 процентдан кўпроғини ёки 137 минг тоннани ташкил этади. Бу эса ўтган йилнинг ана шу даврида тайёрланганидан 16 минг тонна кўпдир.

Ҳар гектар ердан 37—38 центнер ҳосил олган Сариосиё, Денов, Шўрчи районларининг ва қўриқ ердаги Ленин йўли районининг дала меҳнатчилари пахта тайёрлаш плани бажаргандиклари тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Пахта териш ва социалистик мажбурият ҳисобига давлатга пахта топшириш давом этмоқда.

Сурхондарё областининг пахтакорлари бутун етиштирилган пахта миқдорини 450 минг тоннага етказиш, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ўнгиштириб олишни ва келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида тугаллаш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, КПСС XXV съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлаш мажбуриятини олдилар.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 31 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, топширилган пахта, учинчи устун — бир кунда тўртинчи устун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан бери, иккинчи устун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	0,11	130,49	0,02	132,04
Қуйи Чирчиқ	0,34	126,94	0,07	128,20
Янгийўл	0,48	118,49	0,11	114,13
Чиноз	0,51	111,98	1,41	126,45
Оққўрғон	0,17	111,46	0,15	103,99
Бўка	0,30	110,55	0,38	109,02
Бекобод	0,41	107,71	0,25	100,99
Пискент	0,11	103,14	0,10	92,79
Ўрта Чирчиқ	0,15	102,54	—	100,89
Область бўйича	0,26	111,92	0,23	109,99

«ОҚҚЎРҒОН» совхозининг марказидаги тайёрлов пунктига пешма-пеш пахта келтирилиб турипти. Суратда: (чапдан) товаровед П. Ҳожиакбаров, инженер Х. Отажонов ва совхознинг бригада бошлиғи С. Тожиддинов ўртоқлар.

Х. Аввалов фотоси.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

30 октябрь куни Катта Кремль саройида Совет-Вьетнам декларацияси имзоланди.

Декларацияни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ле Зуан имзоладилар.

Сўнгра Совет-Вьетнам ҳужжатлари имзоланди.

Вьетнам Демократик Республикасига иқтисодий ёрдам бериш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ўртасидаги битимни:

СССР ҳукумати учун — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков;

ВДР ҳукумати учун — ВДР Бош министрининг ўринбосари, ВДР Госплани Раиси Ле Тхань Нги имзоладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикасининг 1976—1980 йиллар учун тузилган халқ хўжалик планларини координациялаш натижалари тўғрисидаги протоколни:

Совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков;

Вьетнам томонидан — ВДР Бош министрининг ўринбосари, ВДР Госплани Раиси Ле Тхань Нги имзоладилар.

Совет — Вьетнам ҳужжатларини имзолаш чоғида:

Совет томонидан Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар;

ВДР томонидан —ВДРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу, партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

I.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг таклифига биноан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан бошчилигидаги ВМП ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг делегацияси 1975 йил 27 октябрдан 31 октябргача расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Вьетнам халқи ажнабий босқинчилар ва уларнинг гумаштаси устидан тарихий ғалаба қозониб, мамлакатда тинчлик тикланганидан кейин қаҳрамон Вьетнам вакилларининг Совет Иттифоқига қилган визити Совет ва Вьетнам халқлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги бузилмас дўстлик ва бирдамликнинг янги ёрқин намойишига айланди. Бу визит Совет-Вьетнам қардошлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлиб қолди.

Совет ва Вьетнам раҳбарларининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ле Зуаннинг олиб борган музокаралари ва суҳбатлари самимият, қардошларча бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро иззат-ҳурмат муҳитида ўтди. Ҳар иккала томон муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашларнинг тамомила якдил эканликларини таъкидлади.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг делегацияси Вьетнам коммунистларининг ва бутун Вьетнам халқининг қардош совет халқига нисбатан энг самимий туйғуларини яна изҳор қилди. Совет халқи жаҳон миқёсида социализм тантанаси даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь революциясини ғолибона амалга оширди, фашизмни тор-мор келтиришда ҳал қилувчи ҳисса қўшди ва бу билан Европа ҳамда Осиёдаги бир қанча давлатларда революцияларнинг ғалаба қозониши учун, жаҳон социалистик системасини вужудга келтириш, мустамлака мамлакатларнинг мустамлакачиликка қарши, ўз миллий ҳуқуқлари учун олиб борган курашини кучайтириш, халқларнинг революцион харакатларини қудратли юксалтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Социализмга олиб борадиган йўлни биринчи бўлиб очиб берган Совет Иттифоқи эндиликда инсониятнинг энг яхши орзу-тилаклари бўлмиш коммунизм сари бошлаб борадиган йўлга асос қўймоқда. Советлар мамлакати инсоннинг космосни забт этиш даврини бошлаб берди: Энг янги ютуқ—планеталараро «Венера-9» ва «Венера-10» станцияларининг юмшоқ қўнганлиги бу соҳадаги яна бир буюк зафар бўлиб қолди.

Вьетнам Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси совет халқининг ўтган 58 йил мобайнида барча соҳаларда эришган порлоқ муваффақиятларидан Вьетнам халқи астойдил хурсанд эканлигини билдирди ва бу муваффақиятларни бутун жаҳонда тараққиёт ишига қўшилган жуда катта ҳисса деб ҳисоблайди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси, бутун Вьетнам халқи совет халқининг КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўққизинчи беш йиллик планини бажариш жараёнида қўлга киритган улкан муваффақиятларини

(Давоми 2-бетда).

Совет-Вьетнам декларацияси нинг имзоланиши.

А. Пахомов фотоси.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати делегацияси шарафига 30 октябрда Катта Кремль саройида қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ўртоқ Ле Зуан билан бирга Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВДР бош министрининг ўринбосари Ле Тханьнги, ВДР партия—ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Қабул маросими бошланишидан олдидан Вьетнам Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Қабул маросими қардошларча, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

ҚАРШИ, 31 октябрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг пленуми партия ва давлат интизомини ҳамда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов шу масала юзасидан доклад қилди.

Қарши даштини ўзлаштириш юзасидан КПСС XXIV съезднинг директивалари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи С. Р. Муродовнинг доклади ҳам муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Пленум XIV область партия конференциясини 1976 йил 14 январда чақиришга қарор қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

* * *

Тошкент шаҳар партия комитетининг пленумида партия ва давлат интизомини ҳамда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев доклад қилди.

Пленум XXI Тошкент шаҳар партия конференциясини 1976 йил 9 январда чақиришга қарор қилди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

30 октябрь куни Кремлда Совет раҳбарларининг Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати делегацияси билан олиб борган музокаралари ниҳоясига етди.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри А. А. Гречко, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВДР Бош министрининг ўринбосари, ВДР Госплани Раиси Ле Тхань Нги ва делегациянинг бошқа аъзолари иштирок этдилар.

Музокаралар чоғида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада кучайтириш ҳамда турли соҳаларда Совет-Вьетнам ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида, шунингдек халқаро аҳвол ва халқларнинг озодлиги, мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги иши учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун социализм мамлакатлари бундан буён олиб бораётган кураш йўллари ҳақида фикрлашиб олиш давом эттирилди.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати делегацияси Совет Иттифоқида бўлган даврда томонлар тайёрлаган ва имзоланиши лозим бўлган Совет-Вьетнам қўшма ҳужжатлари маъқулланди.

Музокаларнинг қатнашчилари муҳокама қилинган масалалар юзасидан томонларнинг фикри тўла якдил эканлигини таъкидладилар. Музокаралар самимият ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ҚЎШМА АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг таклифига биноан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукуматининг делегацияси 1975 йил 27 октябрдан 31 октябрга расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати делегацияси Москвада В. И. Ленин мавзолейига ва номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйди.

Вьетнам делегацияси визити чоғида Москвадаги ишлаб чиқариш техника билим юртини бориб кўрди, Москва шаҳри бўйлаб сайр қилди, Меҳнат Қизил байроқ орденли СССР 50 йиллиги номли Москва автомат линиялар заводида бўлиб ўтган Совет-Вьетнам дўстлиги митингида қатнашди. Қаҳрамон Вьетнам намояндалари ҳамма жойда қардошларча самимий қабул қилинди. Бу эса совет кишиларининг жасур Вьетнам халқи билан мустаҳкам дўстлик ва бирдамлик туйғуларини яққол ифода қилди.

ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан учрашди ва суҳбатлашди. Визит давомида совет раҳбарлари Вьетнам делегациялари аъзолари билан музокаралар олиб бордилар.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Мудофаа министри А. А. Гречко, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев;

Вьетнам томонидан — ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, ВМП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ВДР ҳукумати Бош министрининг ўрин-

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

[Боши 1-бетда].

қизғин табриклайдилар. Совет Иттифоқининг халқ хўжалигини ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мудофаа қудратини кучайтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш соҳасида эришган муваффақиятлари жаҳонда биринчи пролетар давлати бўлмиш советлар мамлакатининг куч-қудратини доим ўстиришга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи ўзининг доим мустаҳкамланиб бораётган потенциали ва ялпи тинчлик йўлида ҳормай-толмай зўр ғайрат билан қилаётган ишлари туфайли, империализмнинг «совуқ уруш» сиёсатини мағлубиятга учратишга актив ёрдам берди ва эндиликда халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб бораётган муштарак курашида жуда муҳим роль ўйнамоқда.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг делегацияси Вьетнам халқи номидан гапириб, совет халқининг шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизм қуриш ишида ва ялпи тинчликни сақлаш йўлидаги курашида янги, янада буюк муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи Вьетнам халқининг эришган тарихий ғалабасини —мамлакатнинг жануби империалистлар ва уларнинг гумашталари жабр-зулмидан тамомила озод қилинганлигини қизғин табриклайдилар. Бу ғалаба янги даврни —тинч, мустақил, бирлашган социалистик Вьетнамни барпо этиш даврини бошлаб берди. Вьетнам халқининг ғалабаси унинг қаҳрамонлиги, фидокорлиги ва букилмас сабот-матонати натижаси, халқ оммасининг жанговар авангарди—шонли Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг бу омма курашига моҳирлик билан қилган раҳбарлиги натижаси бўлди.

Вьетнамнинг буюк ғалабаси айни вақтда Вьетнам халқи билан бирдам бўлиб, унга маънавий ва моддий ёрдам бериб келган социалистик мамлакатларнинг, барча антиимпериалистик ва тараққийпарвар кучларнинг ҳам муштарак ғалабасидир.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллигини империалистларнинг ҳамда ички реакциянинг ҳамлаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, халқ хўжалигини ривожлантириш ва шимолий Вьетнамда социализмнинг моддий-техника базасини аста-секин вужудга келтириш ишида эришган буюк муваффақиятлари марксча-ленинча партия раҳбарлигида қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари билан ягона бир сафда бораётган халқнинг енгилмас кучини бутун жаҳонга яна бир марта намойиш қилди. Жуда оғир синовларда мустаҳкамланган ва чиниққан Вьетнам Демократик Республикаси бутун Вьетнам халқи олиб борган революцион курашнинг мустаҳкам негизи, Ҳинди-Хитойда ва жануби-шарқий Осиёда социализмнинг чинакам қалъаси бўлиб қолди. Вьетнам халқи барча ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг обрў-эътибори мислсиз ўсди.

45 миллионли қаҳрамон Вьетнам халқи ҳозирги вақтда Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг раҳбарлигида экономикани тиклаш учун фидокорона меҳнат қилмоқда, мамлакатнинг жанубидаги агрессив уруш ва янги мустамлакачилик ҳукмронлиги оқибатларини тугатиш учун курашмоқда, халқ хўжалигини тез ва ҳар томонлама ривожлантириш, социалистик ўзгартишларни амалга ошириш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини очиб бермоқда.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси халқнинг ижодий кучларини мамлакатнинг шимоли ва жанубида тинч қурилиш юзасидан белгиланган планларни бажаришга сафарбар қилиш йўлида буюк ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Вьетнамда социалистик қурилишни кенг авж олдириш, мамлакатда замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигини, илғор фан ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган йўлини бутун Вьетнам халқи қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Шимолий ва Жанубий Вьетнам аҳолисининг янги босқичда бунёдкорлик меҳнатини ривожлантириш соҳасида эришган ажойиб муваффақиятлари Вьетнам халқининг Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида Вьетнам Демократик Республикасининг биринчи президенти Хо Ши Миннинг васиятини тарихан қисқа муддатда рўёбга чиқара олишини, тинч, мустақил, бирлашган, демократик ва яшнаб турган Вьетнамни барпо эта олишини таъминлайдиган мустаҳкам гаровдир.

II.

Совет ва Вьетнам раҳбарлари СССР билан Вьетнамнинг барча соҳалардаги қардошларча дўстлиги ва самарали ҳамкорлиги доим кучайиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд қилдилар. Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси Совет ва Вьетнам халқларининг бузилмас дўстлиги ҳар иккала мамлакатнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг туб манфаатларига, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларига мос эканлигига аминдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига амал қилиб, СССР ва Вьетнам ўртасидаги бузилмас дўстлик ва жанговар жипсликни бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қатъий қарор бергандир. Бу дўстлик ва жипслик-тинч шароитда социализм ва коммунизм қурилишида мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашган ҳар икки мамлакат халқларининг энг қимматли ютуғидир.

Марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаверадилар. Бу ҳамкорлик бузилмас Совет-Вьетнам дўстлигининг негизидир. Улар раҳбар арбобларнинг учрашувларини, партия ходимлари делегацияларининг бир-бирларига қиладиган сафарларини уюштириш, партия матбуоти органлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўли билан бундан буён ҳам қардошлик алоқаларини чуқурлаштирадилар, социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини айрбошлашни бутун чоралар билан кенгайтираверадилар.

Ҳар иккала томон расмий делегациялар ва давлат арбобларининг визитларини, мунтазам алоқа боғлаш ва икки томонлама муносабатларга доир масалалар ҳамда ҳар иккала томонни қизиқтирадиган халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш учун махсус вакиллар юбориб туришни кенг йўлга қўяверади.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси икки томонлама асосда, шунингдек социалистик мамлакатларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги доирасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга, шу жумладан, халқ хўжалиги планларини координациялаш, юқори малакали мутахассисларни юбориб туриш, Вьетнам экономикаси, фан-техника ва маданиятининг турли соҳалари учун миллий кадрлар тайёрлашга ёрдам берадилар.

Фан, санъат, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, матбуот, радио, телевидение, кино, туризм, спорт соҳасида Совет-Вьетнам алоқаларини, ҳар икки мамлакатнинг жамоат ва ижодий ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бутун чоралар билан рағбатлантирилади.

Ҳар иккала ҳукумат ўртасида тузилган битимларга мувофиқ, Совет Иттифоқи Вьетнамга саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, шу жумладан Вьетнам халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган планларини амалга оширишда ёрдам беради. Совет Иттифоқи шу мақсадда Вьетнамда бир қанча йирик халқ хўжалиги объектлари қурилишининг техникавий-иқтисодий жиҳатларини ўрганишда кўмаклашади. КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати Вьетнам халқи билан дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган қатъий йўлига асосланиб ва Вьетнамнинг уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тўла тиклаш ва уни янада ривожлантириш вазифалари билан боғлиқ бўлган энг зарур эҳтиёжларини ҳисобга олиб, 1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик план доирасида Вьетнамни социалистик негизда индустрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида Вьетнам томонига енгил шартлар билан кредит беришга қарор қилдилар. Совет Иттифоқи шу кредит ҳисобидан Вьетнамга энергетика, кончилик, металлургия, химия, машинасозлик саноатини ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юксалтиришда техникавий ёрдам беради, 1976 йилда ҳамда келгуси беш йилликда хилма-хил саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги машина-ускуналарини, механизмларни, транспорт воситаларини, металл, нефть маҳсулотлари, пахта, озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни етказиб беради.

ВДР партия-ҳукумат делегацияси зўр бериб қўллаб-қувватлаётганликлари, Вьетнам халқининг империалистик агрессорларга қарши, ватанни қутқариш учун олиб борган урушида ва социализм қуриш ишида унга кўрсатган буюк, қимматли ва самарали кўмаги учун Вьетнам меҳнаткашлар партияси, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан ва бутун Вьетнам халқи номидан Коммунистик партияга, СССР ҳукуматига ва қардош совет халқига самимий ва чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

ВДР делегацияси бутун мамлакатда экономикани тиклаш ва ривожлантириш, социализм қуриш мақсадида Вьетнам халқига бериладиган янги мадад ва беғараз ёрдам учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР ҳукуматига ва совет халқига қизғин ташаккур изҳор қилди.

III.

Жаҳондаги вазиятнинг ривожланиши жаҳон социалистик системаси куч-қудратининг ва унинг халқаро воқеалар боришига таъсирининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги билан, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар курашининг тинмай юксалиб бораётганлиги билан, халқаро миллий-озодлик кураши кўламларининг кенгайиб бораётганлиги билан характерланади. Ана шу учта қудратли революцион оқим капиталистик система умумий танглигининг янада кескин тус олишига ёрдам беради.

Жаҳонда кучлар нисбатининг умуман социализм фойдасига ўзгарганлиги социалистик мамлакатларнинг сабот-матонат билан қилаётган ишлари, барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг актив ҳаракатлари таъсири остида уруш ва империалистик агрессия кучларининг позициялари анча заифлашди. Бу ҳол тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Вьетнам халқининг ғалабаси, шунингдек Лаос ва Камбоджа ватанпарварларининг ғалабаси Осиё қитъасида мустаҳкам тинчлик асосларини вужудга келтиришга муҳим ҳисса қўшди. Бу ғалабалар Ҳинди-Хитой ярим оролидаги вазиятни тубдан ўзгартириб юборди, бу районда империализм ва янги мустамлакачилик сиёсатининг негизларига путур етказди. Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ғалабаси антиимпериалистик ва прогрессив кучларнинг позицияларини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди, халқларнинг эркин, мустақил ривожланиш ва тинч яшаш ҳуқуқларини қарор топдириш йўлидаги курашига жуда катта ҳисса қўшди. Бу ғалабалар миллий озодлик кучлари билан социализм кучлари ўртасидаги жанговар иттифоқнинг енгилмас кудратини яққол намойиш қилди.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам империалистик агрессиянинг ҳар қандай ҳуружлари қаерда амалга оширилмасин, бу ҳуружларни, шунингдек агрессив империалистик доираларнинг инсониятни халқаро кескинликни кучайтириш гирдобига яна ташлаш, уруш ёқасига келтириб қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишларини кескин қоралайдилар. Улар тинчликни мустаҳкамлаш, низоларни ва ихтилофларни зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан бартараф қилишдан воз кечиш асосида, барча давлатларнинг территориал бутунлиги ва суверенитетини қаттиқ ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, чинакам ҳуқуқий тенглик ва халқлар ўртасида самарали ҳамкорлик асосида халқаро муносабатларни ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ленинча тинч-тотув яшаш принципларини амалга оширишга, халқларнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга, ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни муқаррар давом этадиган жараёнга айлантиришга қаратилган ташқи сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қиладилар.

Ҳар икки томон Европадаги социалистик мамлакатларнинг Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашида эришган катта муваффақиятларини табриклайди ва Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишлаб ўтказилган кенгаш Европадаги вазият учун муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди. Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ташаббуси билан шу йил ёз фаслида ўтказилган бу кенгаш ижобий натижалар билан тугалланди. Ҳар иккала томон социалистик мамлакатларнинг мудофаа қобилиятини тинмай мустаҳкамлаш Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ишида муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайди.

КПСС ва Совет ҳукумати мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, Вьетнам Демократик Республикаси империализмга қарши кураш олиб бораётган барча кишилар ўртасида юксак ва ҳаққоний обрў-эътиборга сазовор бўлди. Ҳар иккала томон жануби-шарқий Осиёдаги мамлакатларнинг халқлари тинчлик, мустақиллик вазиятда яшашга ва шу райондаги давлатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига интилаётганлигини тамомила қўллаб-қувватламоқда, шу районнинг ишларига ажнабийларнинг аралашувига қарши чиқмоқда, АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетишни ва уларнинг ҳарбий базаларини тугатишни ёқлаб чиқмоқда.

Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ривожланаётган мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга астойдил интилаётганликларини таъкидлайдилар. Улар Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатларининг бостириш ва жабр-зулмнинг ҳар қандай формаларига қарши, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини, блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг шу йўлдаги ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирадилар.

Ҳар иккала томон Лаос халқининг тарихий ғалабасини қизғин табриклайди ва бу мамлакатдаги прогрессив жараёнларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнун эканлигини изҳор қилади. Улар Лаос халқининг, Лаос Халқ революцион партияси ва ватанпарварлик фронти раҳбарлигида ўз мамлакатини чинакам мустақил, тинч, бирлашган демократик ва яшнаб турган давлатга айлантириш йўлидаги курашини маъқуллайдилар. СССР билан Вьетнам Демократик Республикаси Лаос халқининг ўзининг туб миллий орзу-тилакларини амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат билан қилаётган ишларига бундан буён ҳам зарур ёрдам ва мадад бераверадилар.

Совет ва Вьетнам томонлари империалистларга ва ички реакция кучларига қарши курашда жуда катта ғалаба қозонган ва ўз мамлакатида янги ҳаёт барпо этишга — мустақил, тинч, демократик ва яшнаб турган Камбоджани вужудга келтиришга киришган Камбоджа халқи билан бирдам эканлигини изҳор қиладилар. СССР ва ВДР Камбоджа билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қатъий қарор бергандирлар.

СССР ва ВДР Осиёда ва бутун дунёда янги вазият таркиб топганлигини эътиборга олиб, Корея ярим оролида мустаҳкам тинчликни қарор топтириш учун, Кореяни тинч йўл билан бирлаштириш учун актив ҳаракат қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Корейс халқининг ички ишларига аралашишни тўхтатиш, барча чет эл қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш ва сулх шартномасини тузиш ана шу мақсадларга жавоб берган бўлур эди.

Ҳар иккала томон Яқин Шарқдаги хатарли вазият ҳануз сақланиб қолаётганлигини таъкидлайди. Улар Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш, Яқин Шарқдаги барча мамлакатларнинг яшаш ва мустақил ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш асосидагина Яқин Шарқда шу райондаги барча давлатларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаққоний ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин эканлигига астойдил ишонадилар.

СССР билан Вьетнам Португалиядаги тараққийпарвар кучларнинг ўз мамлакатини демократик асосда ривожлантириш учун, мамлакат олдида турган сиёсий, иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этиш учун олиб бораётган курашини қатъий қўллаб-қувватлайдилар. Ҳар иккала томон ташқи кучларнинг ва ички реакциянинг Португалия ҳукуматига ва унинг чинакам ватанпарварларига тазйиқ кўрсатиш, Португалия халқини ўзи танлаб олган эркин тараққиёт йўлидан воз кечишга мажбур этиш йўлидаги урунишларини қатъий қоралайди.

СССР ва Вьетнам Демократик Республикасининг делегациялари Совет ва Вьетнам халқларининг ҳис-туйғуларини ифода этиб, франкочи маъмурларнинг Испаниядаги ватанпарвар ва демократик кучларга қарши қатл, террор ва репрессияларини қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар.

Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикаси оғир шароитларда фашист режимига қарши, мамлакатда демократияни тиклаш учун мардона кураш олиб бораётган Чили ватанпарварлари билан тамомила бирдам эканликларини изҳор қиладилар. Ҳар иккала томон Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ва Чилидаги бошқа сиёсий маҳбуслар дарҳол озод қилинсин, деб талаб этади. Репрессия ва террор ҳам, ташқаридан берилаётган ёрдам ва мадад ҳам Чилидаги фашист режимини халқнинг қаҳр-ғазабидан ва бу режимнинг ҳалокатидан қутқариб қолаолмаслигига шак-шубҳа йўқ.

СССР билан ВДР шу нарсага аминдирки, ҳозирги шароитда социалистик мамлакатлар ўртасида бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қардош коммунистик ва ишчи партиялари ўртасидаги жипсликни кучайтириш, социалистик система билан миллий озодлик кучлари ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми ва халқларнинг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлашдан иборат мустаҳкам принципларга содиқ эканликларига асосланиб, жаҳондаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар ва антиимпериалистик кучларни бутун чоралар билан жипслаштириш ишига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтираверадилар.

* * *

Тинчлик, халқлар мустақиллиги, демократия ва социализм учун курашдаги муштарак мақсадлар билан бирлашган Совет Иттифоқи ва Вьетнам ўртасидаги жанговар бирдамлик ҳамда қардошларча дўстлик абадий ва бузилмасдир. Марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотига, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, социалистик давлатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, Ер юзида тинчлик ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кучайтириш учун бундан буён ҳам барча зарур чораларни кўраверадилар.

Ҳар иккала томон мамнуният билан шуни қайд қиладики, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати делегациясининг дўстона визити Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасидаги буюк дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлашга янги ҳисса қўшди.

ВДР партия-ҳукумат делегацияси СССРга қилган визити вақтида Совет Иттифоқи партия, ҳукумати ва халқи делегацияни самимий, тантанали кутиб олганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади.

Москва, 1975 йил 30 октябрь.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ
Л. БРЕЖНЕВ

ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ
ЛЕ ЗУАН

ҚЎШМА АХБОРОТ

[Боши 1-бетда].

босари, ВДР Госпланининг раиси Ле Тхань Нги, ВМП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ВДРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу, ВДР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Нгуен Ко Тхать, ВМП Марказий Комитети план-экономика бўлими мудирининг ўринбосари Нгуен Ван Тха, ВДР Госплани раисининг ўринбосари Ле Кхак, ВДР Ташқи савдо министрининг ўринбосари Нгуен Ван Дао қатнашдилар.

Ўртоқларча вазиятда ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар пайтида томонлар бир-бирларига ахборот бердилар, СССР билан Вьетнам ўртасида келгуси беш йилликда турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга доир асосий масалалар, шунингдек ҳозирги халқаро ҳаётнинг ҳар икки томонни қизиқтирувчи муҳим проблемалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан Совет-Вьетнам декларациясини имзоладилар. Бу декларацияда иккала қардош партия ва халқ ўртасида ҳар тарафлама алоқаларни мустаҳкамлаш, социализм ва коммунизм қурилишида, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм йўлидаги муштарак курашда уларнинг биргаликда мустаҳкам ҳаракат қилишининг асосий йўналишлари белгиланган.

Визит давомида декларациядан ташқари яна Вьетнам Демократик Республикасига иқтисодий ёрдам бериш тўғрисидаги битим ва 1976—1980 йилларда СССР билан ВДРнинг халқ хўжалик планларини координациялаш натижалари тўғрисидаги протокол имзоланди.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қиладиган расмий визити тўғрисида илгари эришилган ўзаро келишув таъкидлаб ўтилди. Визит муддати дипломатик йўллар билан келишиб олинади.

ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан бироз вақт дам олиш учун Совет Иттифоқида қолди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

КОММУНИСТ ҲИСОБОТИ — МУҲИМ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати коллективи йилдан-йилга яхши натижаларга эришмоқда. Бунда корхона партия ташкилотининг коллектив ўртасида олиб бораётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий-ташкилий ишлари муҳим рол ўйнамоқда.

Партия ташкилоти социалистик мусобақанинг барча форма ва методларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир кишининг ижодий куч-ғайрати ва ташаббускорлигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга эришмоқда. Шу туфайли ҳам бу илғор корхонада тўққизинчи беш йиллик топшириқлари 7 май куниёқ бажарилди. Ярим йилдирки, корхона ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Беш йиллик якунловчи йилининг ўтган тўққиз ойи мобайнида комбинат аҳли ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни 22 процент ва меҳнат унумдорлигини эса 12 процентга оширишга эришди. Корхонада меҳнат унумдорлигининг муфассал ўсиб бориши сабабли 500 минг сўмдан ошиқ соф фойда олинди.

«Корхона шуҳрати — сенинг шуҳратинг!» шиори остида самарали меҳнат қилаётган 464 ишчи муттасил юқори кўрсаткичга эришмоқда. Улардан 67 киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак номни олишга муяссар бўлди. Павкин, Чепрученко ва Зибкин каби ўнлаб меҳнатсевар ва ташаббускор коммунистлар корхонанинг фахридир. 71 комсомол-ёш сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда коммунистлардан ўрнак олмоқда. ВЛКСМ аъзоси, район Советининг депутати Бузруков 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Коллективда мураббийлик ҳаракатига етакчилик қилаётган С. Усмонов бошлиқ бригада ишчилари социалистик мусобақада айниқса юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Партия ташкилоти партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни жонлантириб, бу борада бир мунча ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳисобот даврида коммунистларнинг сони илғор ишчи ва комсомол-ёшлар ҳисобига тўққиз кишига ўсди. Бюро ва партия йиғилишларида коллектив ҳаётига оид муҳим масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар белгиланди. Айниқса, коммунистларнинг ҳисоботини эшитишга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, цех партия ташкилотлари секретарлари, партия группаларининг ташкилотчилари ва маъмурияти фаолияти устидан назорат комиссиялари, касаба союз, комсомол, халқ контроли группаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳисоботлари тинглаб борилди.

Шунингдек, партия ва комсомол маорифи системасида ҳамда меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш мактаби ва тўгараклари ишини яхшилаш, пропагандистларга ёрдам кўрсатиш, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар ва лекторларнинг фаолиятини ошириш мақсадида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шунга қарамай, партия ташкилотининг кундалик иш фаолиятида камчиликлар ҳам содир бўлмоқда. Корхонада айрим ишчилар томонидан меҳнат интизомини бузиш, кадрлар қўнимсизлиги ва капитал қурилиш ишларига эътибор бермаслик ҳоллари учраб турибди. Партия бюроси комбинатда капитал қурилиш бўйича маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш комиссиясининг қониқарсиз ишлаётганлиги билан муроса қилиб келмоқда.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар комбинат партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партия бюросининг секретари Н. Овчинников ва йиғилишда доклад юзасидан музокарага чиққан Павкин, Шетле, Холтоев, Андреев, Зиков, Костригин, Шарипов ва Пустовойтов ўртоқларнинг нутқларида баён қилинди. Улар илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни яхшилаш, коммунист ва партиясиз кишиларнинг марксча-ленинча маълумотини ошириб боришга эътибор бериш ва кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия ташкилотининг янги составги ва XXI район партия конференциясига делегатлар сайланди.

У. НИЕЗОВ.
Бўстонлиқ райони.

ТОННАЛАР ЗАЛВАРИ ГРАММЛАРДА

Саксонга сакраган мўйсафиднинг қалбини пахта ишқи қитиқлаб, ўрнидан турғазди. Белини боғлади, енгини шимарди. Офтоб шувоқ айвонда кўрпа қавиб ўтирган кампирга «Мени Тўқсонбой бригадасидан топасизлар» деганча чиқиб кетди.

Кампир унинг ортидан:

— Юрагида ўти сўнмади, сўнмади, бу жонсарак чолнинг, — деганича ғудраниб қолди, — терган ўн кило пахтаси нима бўлақоларди?..

— Ким билан гаплашдингиз, эна, — деди ҳозиргина мактабдан келиб, коржома кияётган чевараси, — бобом йўқлар-ку!..

— Вой, қачон келувдинг? Яна қаёққа кетаяпсан? Ҳа, кўрмайсанми, бобонг бугун белим оғрияпти, деб ухламай чиқувдилар. Кепак қиздириб босганидим, қувват кирди, шекилли, терлари қотмай далага кетдилар. Ҳозирги синка унлардан кепак чиқмайди, яна букчайиб келсалар, кепакни қаёқдан топаман?..

Еттидан саккизга ўтган мурғак бола энасининг қиздирилган кепак тўғрисидаги гапини ажабланиб эшитар, кепак дорининг ўрнини босишини тасаввур ҳам қилолмасди. У қутидан нон олиб, сариёғ сурдида, кампирнинг ҳой-ҳойига ҳам қулоқ солмай, чиқиб кетди.

Кўча эшик олдида у орқасига қараб:

— Мен бобомлар ёнига кетдим, — деди.

Кампир қўлидаги кўзойнагини қулоқларига ила туриб гапириб қолди:

— Эссиз, оёқларим оғриги тутиб қолмаганда, мен ҳам далага чиқардим...

Пахта учун сафарбар, жон фидо қилиш ҳаракатида бўлган бу оиланинг уч навқирон аъзоси — механизатор, дилбар келинлари — чевар теримчи, кенжалари — шаҳардаги пахтачилик институтида олим. У ҳам шу кунларда далага кўчиб келган. Қўли билан пахта теради. Фикран янгилик ижод этиш билан банд. Ғўза касалликка чалинмаса, деҳқон иши яна ҳам енгиллашса.

Пахтакор оиланинг жўшқин фидоийлиги, бугунги кундаги елиб-югуриши биргина шу колхозда эмас, қўшнилари ҳам, нарироқдаги хўжаликларда, қолаверса, район жабҳасида, область миқёсида, республика кенглигида ҳам кўринади. Ёшлар ва кексалар гапларини «Сен бугун пахта тердингмин? Нега далада кўринмаяпсан? Хирмонга қўшган улушинг қанча?» саволи билан бошланиб, қониқарли жавоб билан якунланади.

Ўн-ўн беш кун муқаддам пахта тайёрлаш маълумотида рақамлар улгуржи эди. Кундалик топширилган пахта залвари паҳлавонсифат эди. Энди беш, тўрт рақамлари ўрни бир-икки, мана ҳозир ноль белгиси билан бошланаяпти. Республикамизда беш кунда миллион тонна «оқ олтин» деҳқон елкасидан давлат омборига оширилаётган эди. Бугун бунақа эмас, эртага яна камайиши мумкин. Бу табиий ҳол. Лекин бир чаноқ пахтани шу пахта шаклига келтириш учун озмунча иш қилдикми? Механизаторнинг саратон оташида маржон-маржон тер тўккани катта-кичик раҳбарларнинг елиб-югургани, айлларимиз нафис қўлларининг унумли, олиҳиммат ҳаракати мана шу чаноқларни бунёд этган, тўлиштирган, «оқ олтин» хумчасига айлантирган эмасми?

Шундай экан, нега елкама-елка бўлиб, далага чиқмас эканмиз? Ердаги, ғўза тўпларидаги дурдоналарни териб олмас эканмиз?

Коллектив хўжалигининг доно ташкилотчиларидан бири марҳум Ҳамроқул Турсунқуловнинг йиғим-терим кунларининг бирида бир йигитга гап уқдиргани ҳамон эсимда:

— Укажон, ҳали сен ёш экансан. Пахта — ўзбекнинг муқаддас мулки. Унинг шаънига шаккоклик қила кўрма, йўқса — унмайсан, ўсмайсан. Теримга чиқмайман, дебсан. Эшитиб қўй, сен чиқмасанг ҳам планни бажарамиз, пахтамиз ерда қолмайди. Лекин, тўйимизда, пахта шаънига бўладиган байрамимизда сен қандоқ қаторимизда турасан? Бизни олқишлаб, чалинган қарсакни эшитиб туриб, нима деган одам бўласан? Ҳа, кўпчиликдан қолма! Бугун бармоқларингни ғўза пўчоқлари тимдаласа, эрталабки изғиринда тўрласа, эл-юрт раҳматномаси ҳаммасига малҳам бўлади, кўчада кўкрак кериб юрасан.

Улкан пахтакорнинг оташин сўзлари йигит қалбини остин-устин қилиб юборди.

Бугун бизнинг кимлигимиз пахта ишига қўшган ҳиссамиз билан баҳоланади. Ишчи ва хизматчи, олим ва мутахассис ўз юмушини бирдан тўхтатиб, далага чиқаяпти. Шу важдан, яъни миллион тонналар жамланиб, мажбурият чўққисига оз қолганда, деҳқонга елкадош бўлмасак, биз Ҳамроқул Турсунқулов қаршисида бўйни ҳам бўлиб қолган йигит аҳволига тушмаймизми?

Планларни тўлдириш анчаки бўлиб қолгандай туюлади. Аммо, бу меҳнат поғонасига залварли юкни олиб чиқиш ҳазилакам гап эмас. Аммо, республика дош қозонида ҳосил чўғи тортилиб қолганда, ўн ўрнига юз, юз ўрнига минглаб қўл керак. Қўл бўлганда ҳам ҳалол, чаққон, фидокорлик билан ҳаракат қиладиган қўл керак. Далага чиқиб, пахта теришни ёлчитмайдиган, бунинг устига бировларни ҳам ишдан қолдирадиган ўнта «теримчи»дан машина шпинделининг бир марта айланганн афзал. Далага бордингми, пахта тер, хирмонга барака кирит.

Юқорида айтилган саксон ёшли мўйсафиднинг саккиз — ўн килограмм терган пахтаси бўлмаса ҳам план, мажбурият тўлаверади. Лекин, отахоннинг ҳиммати, республика дастурхони атрофида ўлтирадиган жойини ҳалоллашга астойдил интилиши — унинг олийжаноблигидан. Ахир, у эллик-олтмиш йил давомида пахтакор бўлган, олтин қўллари билан «оқ олтин» яратиб ҳурмат-иззат орттирган. Шундай бўлса ҳам у пахтазордек мардлар майдонида кўкрак кериб, пахта териб юрибди.

Областимиз катта довон тепасида турибди. Азамат пахтакорларимиз нурли чўққини кўзламоқдалар. У ҳам қўл чўзса етгудек. Аммо, қўлни дадил чўзиш учун пойдевор мустаҳкам бўлиши керак. Пойдеворнинг бетондек мустаҳкамлиги сизнинг, бизнинг, ҳаммамизнинг пахта терими ишига қўшган ҳиссамизга, бу йўлда кўрсатган ҳаракатимизга, ғайрат-шижоатимизга боғлиқ. Тонналар залвари граммларда эканини унутмайлик!

Граммлар жонланиб тонналар бўй чўзади. Шу тонналар баракаси, залварининг бир қисми ҳали чаноқларда, ғўза тупларида, минглаб қўлларни кутмоқда. Ўз қудрати, олтинга тенг баҳоси билан халқимизни шон-шарафини улуғлаётган, юртимиз ободлиги рамзи бўлиб қолган, халқимиз хонадонининг бойлигига айланган «оқ олтин»имизнинг бир грамми ҳам ерда қолмасин. Тупроққа тушган бир чигит пахтани кўзимизга тўтиё қилиб, хас-чўпдан тозалаб хирмонга элтайлик, давлатга топширайлик.

Куз ҳавоси ҳамиша яхши бўлавермайди. Бугун қуёш порлаб турибдими, шу фурсат ғанимат, ҳар минути меҳнат билан, пахта териш билан ўтсагина ютамиз.

Социалистик мажбуриятимиз бажарилишига оз қолди. Айтилган сўз — чин сўз бўлсагина халқ, партия олдида юзимиз ёруғ, одимимиз дадил бўлади. Шундай ишлашимиз керакки, меҳнат натижамиздан эл-юрт миннатдор бўлсин, ташаккурномалар ёғилсин.

Эру-аёл, ёшу-қари далага чиқадиган, пахта терадиган, деҳқон ҳосилини тезроқ давлат омборига етказиб бериш ишига ҳисса қўшадиган долзарб кунлар. Яна бир зўр берсак, социалистик мажбурият бажарилди, деган рапортга имзо чекиш шарафига муяссар бўламиз.

Пахтазор мардлар майдони экан, жасоратимизни, ватанпарварлигимизни, пахтага бўлган меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимиз, маҳоратимизни далаларда намойиш қилайлик, пахта теримида актив қатнашайлик!

С. МАҲКАМОВ.

Адабиёт саҳифаси

ТЎРТЛИКЛАР

Ҳаётнинг лаззати меҳнатда
билгил,
Инсоннинг иззати меҳнатда
билгил.
Меҳнат қилмаганлар тирик
саналмас,
Тирикнинг хизмати меҳнатда
билгил.

* * *

Сен севгингни этдинг армуғон,
Қилган туҳфанг, — менга бир
жаҳон.
Ақлим, қалбим сенинг
қўлингда,
То танда бор- жон-у, томчи
қон.

Илёс ҒУЛОМ.

Болалар ёзувчиси жангчи-журналист Эркин Жабборов 50 ёшга тўлди. Барча ҳамкасблар номидан уни ярим асрлик юбилейи билан табриклаб, фронт хотиралари асосида ёзилган ҳикоясини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

10—17 ТЕПАЛИГИ

ҲИКОЯ

Ҳар фаслнинг ўз гашти бор. Лекин энг тароватлиси кўклам бўлса керак. Нега десангиз, бутун борлиқни шу кўклам уйғотади ,унга дармон беради. Нимаики бўлса шу кўклам меҳнатидан бошланади. Бошқа фасллар ё кўклам меҳнати ҳосилини териб, роҳат кўради ёки ярлақади деганда, кўклам бошлаган ишни давом эттиради. Кўкламнинг ҳуснидорлиги, кўҳликлиги ҳам шунда. Кўм-кўк ўт бўлиб у ер бу ерни титкилаб чиқа бошлаган кўклам апрелнинг ярмига бориб, авжига минади. Бор ҳуснини тўкиб солади. Ана шунда одамзод уйда ўтиролмай, ўзини кўклам бағрига отади.

Эрмат амаки бўлса бундай вақт чегарасини ҳам аниқлаб қўйган, «15 апрель билан 15 май ўртасида нодон одамгина уйга қамалиб ўтиради»,—дейди у. Ҳар йили шу пайтларда «табиат билан дилкашлик қилгани» кетади. Аммо, қаерга бормасин, ўн бешинчи майга қолмай, бир ҳафта илгари қайтиб келади. 9 май куни ҳафсала билан кийинади. Кундузи ўртоқлар мозорини зиёрат қилгани боради. Гулдаста қўйиб қайтади. Кечга яқин офицерлар уйи истироҳат боғига йўл олади. Боғ сайрига Каримани ҳам, албатта, олиб боради...

Карима ҳар йилгидек Чорсудан Хадрагача пиёда чиқди. Кейин троллейбусда Офицерлар уйигача борди. Истироҳат боғига кириб, дадаси яхши кўрадиган скамейкада бироз ўтирди. Кейин ҳиёбон оралаб кетди. Дадаси ҳам шундай қиларди. Лекин, бу йил дадаси Тошкентда эмас. У «махсус топшириқ» билан Ленинградга кетган.

«Махсус топшириқ» деганининг сабаби бор. Унинг жанговар дўсти Володя амаки мана энди 46 ёшида институтни битказаётибди. У ўзи шунақа одам. Бор йўғини бошқаларга сарфлаб, ўзини ўйламайди. Урушдан қайтиб келиб, институтда ўқиш бошлагану, онаси ёлғизлик қилиб, сингилларининг ўқиши ярим йўлда қолмасин, деб ишга кириб кетган. Кейинчалик ҳеч бўлмаса, катта ўғли ўзини эплайдиган бўлишини кутган... Мана энди диплом ёзаётибди. Шундай вақтда байрам куни дўсти ёнида бўлиш қайси «махсус топшириқ»дан кам?!

Дадаси боғдаги қайси йўлдан, қай томонга юрган бўлса, Карима ҳам ўшандай юрарди.

Қизиқ нега шундай бўларкин? Урушда нималар бўлганини Карима кўрмаган, албатта. Рост, Володя амакиси буларникига келганда, ё булар Володя амакисиникига борганда узуқ-юлуқ бўлса ҳам, ишқилиб, урушдан гап очиларди. Шунда фронтдаги кўп воқеаларни Карима эшитган. Лекин қандай қилиб, у воқеаларни худди ўзи кўриб тургандек бўларкин?

Мана, Васильев билан Жумановни полк командири чақирибди. Васильев — Володя амакининг фамилияси, Жуманов, — Кариманинг дадаси. Улар алоқа полкида хизмат қилишган.

Дўстлар командир ҳузурига етиб боришди. У ерда икки нотаниш офицер ҳам бор экан. Бири — полковник, иккинчиси — майор. «Топшириқ бундоқ: 4-Украина фронтининг олдинги қисмлари Карпат тоғларида. Бир довон ошилса, нариги томон Венгрия ерлари. Операция бошлаш учун душман ҳақида маълумотлар керак. Радистлар фронт штабидан келган полковник ихтиёрида бўлишади».

— Илгари сафар ким бошлиқ эди? — деди полк командири вазифани тушунтириб бўлиб.

— Бу одатдаги савол. Топшириқларга бир гал Васильев бошлиқ бўлиб борса, бир гал Жуманов бошлиқ бўларди.

— Мен, — деди Жуманов.

— Демак, бу гал Васильев бошлиқ.

— Есть.

... Тўрт кишилик группа тонг қоронғусида махсус қўйилган олдинги қатор қўриқчилари билан ҳайрлашиб, бетараф зонага ўтиб кетди. Манзилга етиб, радистлар окоп қазишга тутинишди. Окоп битгандан кейин сим антеннага тош боғлаб отиб уни окоп ёнидаги дарахтга илинтириб олишди. Антеннани станцияга улашганда тонг ёриша бошлаган эди. Тоғнинг нариги ён бағри этагида Руссо қишлоғи кўринибтурарди. Демак, булар кечаси янглишмаган: ўрнашиб олишлари лозим бўлган, денгиз сатҳидан бир минг ўн етти метр юқоридаги тепалик мана шу ер. Кеча полковник: «10—17 тепалиги», — деб қўлини картага қадаган жой шу...

Карима боғ этагидаги дароз бир дарахт олдида тўхтади. Дадаси шу жойда турибди, Ғалаба салютининг биринчи залпини кутарди. Мана Карима ҳам югургилаб суюнишаётган болаларни, бемалол кулишиб ҳордиқ чиқараётган катталарни кузатиб, худди дадасидек ич-ичидан қуониб кутиб турибди.

Бир гал шу ерда салют кутиб туришганда Володя амаки ҳам бор эди. У бирдан:

— Эрмат, ёдингдами нонингни менга қолдириб кетганинг? — деб юборди-ю, жудаям тўлқинланиб кетдими ё бошқа сабабданми, чўнтагидан рўмолча олиб нариги томон бир ўгирилиб, кейин Каримага: — дадангиз ана шунақа одам, — деб қўйди.

Карима кейинроқ бунинг тагига етди.

... 10—17 тепалигидаги топшириқ беш кунга мўлжалланган эди. Лекин, булар 17 кун қолиб кетишди. Майорни ўнинчи куни кечаси полковник қаёққадир юборди. Шу кетганча ундан дарак бўлмади. Бир ҳафта кейин бир дайди снаряд булар яқинида портлаб, полковникни қаттиқ яралади. Кечга яқин унинг жони узилди. Икковлашиб уни кўмишди. Алоқа сеанси вақтида кўмондонликка воқеани маълум қилиб, кимдир полкка бориб келишга рухсат сўрабди. Чунки эмаклаб юравергандан бурдаланиб кетган уст-бошни икки сутка сурункасига қуйган ёмғир ивитиб юборган, бир бурда нондан бўлак емиш қолмаган эди.

Рухсат тегди-ю, ким кетиб —ким қолиш муаммоси осон бўлмади. Тонготарга яқин охирги бурда нонни тенг иккига бўлишди. Иккиси ҳам бу хатарлироқ жойда ўзи қолиб, дўстини полкка юбориш ниятида эди. Тўғри, полкка бориб келиш ҳам осон эмас, лекин бу ер хатарлироқ, Ниҳоят, ҳарбийлар муносабатидаги темир қоида кучга кирди. Бу галги топшириқдаги бошлиқ сержант Васильев ҳуқуқини ишга солди:

— Буюраман, полкка сен бориб келасан!

Сержант қадрдони кетидан узоқ қараб турганидан кейин радиостанция томон ўгирилди. Қараса, бир бурдадан ўзига теккан улушини Эрмат қолдириб кетибди...

Осмон ёришиб кетди. Салдан кейин бутун дунёга жар солиб само гумбирлади. Ғалаба салюти бошланди. Яна икки залпдан кейин Карима кўча томон йўл олди. Чунки, дадаси кейинги залпларни кўчада кўришни, салют охирида Революция ҳиёбонида туришни яхши кўрарди.

Эркин ЖАББОРОВ.



СОКИН ОҚШОМ. А. Тўраев фотоэтюди.

ЎЙЛАРИМ

Қоғозлар бетартиб, китоблар очиқ,
Ижод жанги аён сўз аҳли учун.
Пишиб етилмаган хаёллар сочиқ,
Кучин синамоқда ёш шоир бугун.
Шоир теграсида чарх урар замин,
Мурғак ҳаёлини пишитган Ватан.
Шу Ватан ишқида чинордай вазмин,
Устозлар сатрининг сайқали битган.
Шоир ўйга толар битаркан сатр,
Кулиб қўяди у битгач қасида.
У ижод туфайли топмишдир қадр,
Юртнинг жамоли — саҳифасида.
Олам яралмишдир буюк санъатдан,
Ҳайратдан яралган етук бу борлиқ.
Баҳорий илиқлик кайфиятидан,
Шоирга бу жаҳон қилади торлик.
Янгилик эмасдир сўзларни боғлаш,
Ениқ иборалар кутар китобхон.
Гўзал диёримдан жўш урар ишқим,
Ватан ишқи билан тинчимас бу жон.

Юсуф НУРМАТОВ.

ГУЛЗОР

Агарда дунёнинг барига оқ гул,
Қизил ё чинни гул, гулсафсар экса,
Ҳеч қизиқ бўлмасди, тўлмасди кўнгил,
Ишонмас эдим ҳам бу гулзор деса.
Гулзор, бу—гулларнинг сараси бўлур,
Хилма-хил, ранго-ранг, боқсанг кўз олар.
Ҳам унда булбулнинг шўх саси бўлур,
Танангда яшашнинг завқи кўзғолар.
Ўйласам, миллатлар бизда чинакам
Гулзор кашф этибди — тақдири баҳор.
Гўзалдир Ватаним шунинг учун ҳам,
Шу важдан яшайди элим бахтиёр.
Шул сабаб боғимга келганда баҳор,
Жаҳонда бор гулдан экким келади,
Жилмайиб турибса лолалар қатор,
Ёнига пушти гул сепгим келади.

ЭЗГУЛИК НАЗМИ

Сукунатдек ўйчан,
Асримиздек вазмин,
Кўклам табиатли шеър битсам.
Унинг ўт бағрига —
Эзгулик назми
Қўшиқ замонамни беркитсам.
Беркитсам:
Қайғулар, аламларни ҳам,
Шиддатли, изғирин ҳаволарни ҳам,
Ҳимматли, улуғвор одамларни ҳам,
Ва дилкаш оппоқ тонг, наволарни ҳам...
Кўриб қўйса,
Асрим салобатини
Ҳали очилмаган гул сарви наслим.
Кўз-кўз қилиб кўрки, малоҳатини,
Кўкрак кериб турса
Қудрат бахш асрим.

Чўлпон ЭРГАШ.

Пахтазор тароналари

ДЕВКОР ПАХТАКОР

Олтин даласида жонбоз фидокор,
Уни яхши танир қуёш ва баҳор.
Еллар ардоқлайди сийпаб юзларин,
Мадҳини куйлагай қаламу дутор.
Меҳнат қаҳрамонидир —
Девкор пахтакор.
Сунбула сувидан фикридир тиниқ,
Баҳор елларидек нафаси илиқ.
Пахтаси мисоли тоза, беғубор,
Ҳалол лафзи билан ваъдаси тўлиқ.
Меҳнат қаҳрамонидир —
Девкор пахтакор,
Жиловли дев мисол машина юввош,
Эгаси измига эгиб турар бош.
Соҳиби ким, дея сўрсангиз агар,
Рустамдек паҳлавон — барчин қаламқош.
Меҳнат қаҳрамонидир —
Девкор пахтакор.

Ҳайдар МУҲАММАД.



Ўткир РАШИД

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

Ҳар тонг нур ишқида тўлғаниб турсам,
Қаршимда қайнаган ҳаёт чиқирар.
Ийроқ-ийроқларга, далага боқсам.
Олтин шуъласида осмон ярқирар.
Ажаб, далада тонг эрта отибди,
Ҳаёт уйғонибди эрта, қушсимон.
Аллақачон тонгги ризқин тотибди,
Дарёдек оқибди пахтазор томон.
Кириб бордим мен шу ҳаёт бағрига,
Унда эл танитган танишларим кўп.
Таъзим қилгум келар бир-бир барига,
Демак бунда меннинг ҳам ишларим кўп.
Ана бир танишим, у оддий деҳқон,
Лекин хирмонидай обрўйи баланд.
Гаплашолсам, дейман, у билан бир он,
Лекин, у хирмонда ўз ишига банд.
Сузгандайин оппоқ денгизда суза,
Яна бир таниш қиз келар йироқдан.
Унинг қулоғида порлар қўш гўза,
Худди таққандайин балдоқ чироқдан.
Қизнинг бағри тўла оппоқ олтин—нур,
Гўё у бахтини қучоқлагандай,
Этакдан гупуриб тошиб чиқар дур,
Хирмончи, зар тўла баркаш лагандай.
Бу оппоқ денгизнинг кемаларида
Кўрдим яна таниш номдорларни.
Ҳа, кўрдим очган дала бағрида,
Юрт-у эл тилида номи борларни.
Раснинг юзида севинч ва ташвиш,
Сочиб келар ерга, деҳқонга меҳрин.
Дала тўйдек гавжум, борар қизғин иш,
Артар ранс бир қизнинг пешона терин.
Ҳар бир кўракдаги ҳар мисқол олтин
Миллион тонналардан беради дарак.
Ҳимматимиз баланд, аҳдимиз метин,
Мўлжалдан ошади эринмай терсак.
Деҳқон маҳоратин кўриги шунда,
Унинг ҳар бир иши достону эртак.
Хирмонга ҳиссамиз қўшиб шу кунда,
Чиқайлик теримга боғлашиб этак.

МЕНИНГ ЁРИМ ҚАҲРАМОН

Билиб қўйинг, дўстларим,
Меннинг ёрим пахтакор.
Ном чиқарган қаҳрамон,
Олтин юлдузи ҳам бор.

Таърифи йўқ ёримнинг,
Юзлари ширмон-ширмон.
Хумор кўзлар жилваси,
Ҳар боқиши куч, дармон.

Ер ёнида дур терган,
Эр йигитда не армон.
Шимарилган билаклар,
Яратамиз тоғ-хирмон.

(ҚУШИҚ)

Асли ёрим қиз бола.
Кўрган дейди бўз бола.
Агрегатин учирса,
Етолмайди юз бола.

Юракларга туташган,
Пахтазорим — олтинзор.
Кенг далалар — нурхона,
Нурхонада мўл-кўл зар.

Бирга-бирга ишлаймиз,
Пахтазорда икковлон.
Ваъдамизни дўндириб,
Биз қиламиз хўп жавлон.

Ёрим ўтаман дейди,
Ўтқизгани қўймайман.
Ғайрат қилиб ишласа,
Ҳавас қилиб тўймайман.

Ўзсанг ўзавер ёрим,
Ўзсанг яна яхшидур.
Сени кўрган одам дер,
Шу қиз дала нақшидур.

Она-Ватан ишқида,
Меҳнат қилиб толмаймиз.
Бизга эргашинг, дўстлар,
Бахтингизни топгайсиз!

Раҳим УМАРИЙ.

ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

ТАҚРИЗ

Яхши ният ва катта умидлар билан адабиётимиз даргоҳига дадил қадам билан кириб келаётган ёшларимиз сафи кундан-кун ортиб бормоқда. Улар ўзларининг сермаъно, қизиқарли асарлари билан китобхонни мафтун этмоқдалар. Ана шундай ёшларимиздан бири Ойдин Ҳожиевадир.

О. Ҳожиева ўзининг достон, балладалари билан кўпчилик эътиборини ўзига қаратган. У ижод гулзоридан дасталанган «Орзу гули», «Она ер соғинчи», «Тонгги шабнам» гулдасталарини китобхонларга тақдим этди. «Орзу гули», «Тонгги шабнам» (рус тилида) тўпламига кирган шеърларини ўқир эканмиз, уларнинг тематик жиҳатдан ҳам, бадиий жиҳатдан ҳам ранг-баранглигини кўрамиз.

Шоиранинг юқоридаги тўпламлари учун хос бўлган муштарак хусусият шуки, уларда она-Ватанга бўлган фарзандлик меҳр-муҳаббати уфуриб туради, ёшлик шижоатининг, бахт ва шодликнинг тароналари янграйди, инсонга хос олижаноб туйғу, соф муҳаббатнинг таровати таранним этилади.

Дунёда энг улуғ зот онадир. Онанинг меҳри-муҳаббати фарзанд учун чексиз. Она қалбининг меҳр чашмаси ҳамиша тўлиб-тошиб туради. Онанинг уйғоқ, қайноқ қалбини тинглаш унинг туйғуларини дилдан ҳис қилиш, уларни жўшқин ва теран фикримизнинг далилидир.

Шоира она меҳри билан Она Ватан меҳрини бир хил ҳис қилади. Онага бўлган муҳаббати Ватанга бўлган меҳри билан омухта. Ижодкор уларни бир хил суяди, эъзозлайди, қайноқ меҳрини қалбдан туяди. Шоира ифодасича, фарзанд соғинчида ўртанган онага муқаддас тупроқ-жонажон Ватан туйғуси мадад беради:

**...Йўлга қарайвериб кўзи
толганда —
Онага сабрини ўргатди тупроқ.
Ватан туйғусидан енгилди
фироқ.**

«Ватан» сўзи энг муқаддас, сатрларда ифодалай олиш ижодкордан жуда катта маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Ойдин Ҳожиева ана шундай меҳри дарё оналарнинг нуроний сиймосини, машаққатларга тўла ҳаётини ёлқинли мисраларда тараннум этишга интилади. Унинг «Тонгги шабнам» тўпламига кирган асарлари мўътабар сўздир. Уни ҳар бир киши алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олади. «Ватан» сўзи ёшнинг ҳам қарининг ҳам қалбининг илиқ ҳислари оғушида яшайди. Чунки инсон Ватанда ўсади, камол топади. Шу боисдан ҳам бу сўз ҳар бир киши умрининг «жон томирига туташ», ҳатто «Ватан ҳиди онадан» уфуриб туради:

**Жажжигинам сўз луғатингда
«Ватан» сўзи борлигин билдим.
Умрнинг жон томирига туташ,
Такрори йўқ, танҳо бу нем!
Ватан ҳиди келар онадан,
Ақлинг етар бу сўзга бир кун.**

Бу борада Ойдин Ҳожиеванинг «Она ер соғинчи» достони диққатга сазовордир. Шоира бу достонида ҳам оналар меҳрини, Она ер муҳаббатини юксак поэтик маҳорат билан тасвирлашга интилади. Она тупроқнинг сеҳрли илҳоми шоира қалбини уйғотади, уни қуйлашга даъват этади:

**Мен севиб, севиниб куйламоқ
бўлдим,
Безавол, беминнат, бедахл,
мулким,
Сени, Она—Ер!**

Шоиранинг бу достони асримизнинг энг муҳим ҳодисаларидан бири—инсониятнинг космосга йўл очишдаги, фазо сирларини ўрганиш борасидаги фидокорлигини, меҳнатини қуйлашга бағишланган. Асарда ижодкор Она ва фарзанд образларини яратар экан, бунда, бир томондан, фарзанднинг онага, она-Ватанига бўлган меҳрини, ана шу меҳр унга куч ва жасорат бахш этиб, чексиз самода парвоз қилишга ундаганлигини тасвирласа, иккинчи томондан, онанинг фарзандга бўлган меҳри оқибатини, таранним этади.

Бу достони яратишда шоира барча санъаткорлар қатори халқ оғзаки ижодининг бой имкониятларидан унумли фойдаланишга интилади. Бу мисраларнинг ўйноқилиги, қофияларнинг жарангдорлиги, кам ҳижолилик хусусиятларида, фольклорга хос ўхшатишларни қўллашда кўринади.

**Олтин бешикмиш осмон,
Юлдузлари — қўнғироқ,
Ухлар эмиш Акбаржон,
Камалак эмиш қўлбоғ.**

Шунингдек «Дупур-дупур от келади алла-ё», «Чиқиб қаранг, ким келади алла-ё!» сингари халқ аллаларининг достонга киритилиши фикримизни янада ойдинлаштиради.

Ойдин Ҳожиева ижодининг иккинчи бир хусусияти ёшлик, бахт ва шодлик тароналари билан йўғрилганлигидир. Шоира дилига бахтли ёшликнинг шижоати, совет кишиларининг бахт ва шодликка мангу ҳамроҳлиги туғмас илҳом солади. Ижодкор «ҳандон кулган бахтини», «қадрдон ёшликни», «дил бериб бахт топган маконини», «ўйин-кулгу, ҳаяжон билан» бир умр куйлашни орзу қилади.

Муҳаббат туйғуларини куйлаш бадиий адабиётимиздаги энг қадимий ва етакчи анъаналардан ҳисобланади. Ҳеч бир санъаткор қалами бу мавзуни ҳеч қачон четлаб ўтмаган, ўтолмайди ҳам. Чунки Нодирабегим ибораси билан айтганда, «Муҳаббатсиз киши одам эмасдир». Бу олижаноб туйғуни таранним этишда ҳар бир ижодкор ўзига хос бадиий приёмлар ишлатади, тавсиф ва ташбиҳлар қўллайди. Ойдин Ҳожиеванинг ҳам муҳаббатни мадҳ эттан мисраларида инсон қалбининг ранг-баранг фазилатлари, ҳақиқий муҳаббатнинг куч-қудрати ёрқин бадиий бўёқлар ёрдамида камалақдек жилоланади. Шоира учун «гулларнинг муаттарлиги» ҳам, «умр йўлларининг мунавварлиги» ҳам, «юрак тошқининнинг муқаррарлиги» ҳам севган кишисининг соф муҳаббати туфайлидир:

**Олам гулларининг муаттарлиги,
Умрим йўлларининг
мунаввaрлиги,
Бу юрак тошқинин
муқаррарлиги.
Севгингдан сенинг!**

Ойдин Ҳожиева умидли, ҳамиша орзулар қанотида келажакка интилувчи, жўшқин қалбли шоирадир. Унинг орзуларининг чеки йўқ. У ҳамиша қутлуғ орзулар оғушида, ёрқин умидлар бағрида яшайди.

**Шитоб отиламан ёшлик
бағрига,
Орзу-умидларнинг обод
шаҳрига.**

Ана шу орзу-умидлар шоирани ранг-баранг ижод гулларини жамлаб, муаттар гулдасталар ясашга илҳомлантиради.

Дарҳақиқат, Ойдин Ҳожиева орзулари ушалиб, умидлари рўёбга чиқиб, ижод қийинчиликларини енгиб камолотга етишаётган ижодкордир. У ўзи таъкидлаганидек, бадиий ижоднинг машаққатли довонларидан ошиб, «кўнгилга ёқадиган» асарлар яратишга интилмоқда.

**Инжиқ бола каби қийнар
сатрлар,
Кўнгилга ёққани излаб
толаман.**

Бу борада биз ҳам шоирага тилакдошмиз, ҳамда орзу-умидларининг муаттар гуллари янада хушбўй, янада хушрўй бўлиб шеърият майдонларини, бадиият мухлисларини хурсанд қилишига умидвормиз.

Р. КАРИМБОБОЕВА,
Ж. ЖУМАБОЕВА.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ДОРИШУНОС

Сочларига қировдек оқ оралаган нуроний онахон аптека—санитария-гигиена магазинига кирди-да, оқ халат кийган ўрта ёшлардаги, басавлат бир йигитга мурожаат қилди:

— Ўғлим, тунов куни топиб берган дорингдан анча яхшиман. Раҳмат, болам. Яна топилса, олиб кета қолай дегандим...

— Бажонудил, онахон, — деди аптекачи йигит ўз туғишганига муомала қилгандек. — Лекин ҳозир қолмаганди. Хафа бўлманг, эртага бошқа аптекалардан суриштириб кўраман. Албатта топилади.

— Умрингдан барака топ, болам!

— Кекса ҳолингизга овора бўлиб келиб юрманг, ўзимиз элтиб берамиз, — у шундай деди-да, нуроний онахон уй адресини ён дафтарчасига ёзиб олди.

...Автобусда шаҳарга кириб бораяпмиз. Орқама-орқа ўтирган тўрт нафар кексанинг эса ҳадеганда суҳбати тугамайди.

— Уйда бетоб ётардим, — дейди бири. — Дўхтир айтган дорини ахтармаган жойим қолмади. Қўлинг дард кўрмагур Абдухалил болам топдириб берди. Тез кунда оёққа туриб кетдим.

— Сиз шундай дейсиз, одамшавандалигини айтмайсизми. Муомаласининг ўзи малҳам. «Йўқ», деган сўзни билмайди. Ҳамманинг оғзида, эл суйган йигит.

Дарвоқе «Горняк» совхозидаги 22-аптека-магазин мудири, доришунос Абдухалил ака Эргашев узоқ йиллардан буён ўз касбини шарафлаб, халқ ўртасида катта ҳурмат ва эътибор топмоқда. У меҳнат қилаётган табобат даргоҳида ҳамма зарур дори-дармонлар топилади. Чунки, бу ерда эл-юрт соғлиғининг фидокор ва камсуқум жонкуярлари ишлашади.

Аптека-магазин қуриб ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у кенг қишлоқ оммаси эътиборини қозона олди. Унда ҳамма нарса янги ва замонавий. Кенг ва ёруғ хоналарнинг бирида рецептлар қабул қилиниб, дори-дармонлар жўнатилса, иккинчи томонда тайёр дорилар ва санитария-гигиена жиҳозлари тартиб билан витриналарга тизиб қўйилган.

Аптека-магазинда илғор тажрибага кенг амал қилиб келинади. Шунингдек райондаги бошқа дорихоналар билан ҳам яқин алоқа ўрнатилган. Бу ерда алоҳида дафтар тутилган. Унга камёб дорилар, уннинг миқдори ва беморнинг номи, адреси ёзиб борилади. Шу асосда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжи тўла қондириб борилмоқда.

— Биз шифокорлар бурч масъулиятимизни яхши тушунамиз, — дейди А. Эргашев. — Кишиларимиз саломатлигини қўриқлашдек олижаноб касбимиз билан фахрланамиз. Муассасамиз ишининг яхши йўлга қўйилишида область дорихоналар бошқармасининг ёрдами катта бўлмоқда. Бошқарма бошлиғи Ҳамид Давлатов ишимиздан доим кўз-қулоқ, коллективимизнинг яқин кўмакдоши.

Доришунос ўзи ҳақида жуда камгап. Ваҳоланки, унинг хизматлари мақтовга лойиқ. Яхши ташкилотчи. Қорасув ва Чиғириқ микрорайонидаги янги дорихоналар А. Эргашев ташаббуси билан бунёдга келди. Бу дорихоналарда ҳам иш намунали йўлга қўйилган.

Абдухалил ака доришуносларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бизнинг тинч ва осойишта замонимизда ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учундир. Совет медицинаси ҳам халққа намунали хизмат кўрсатишга даъватлантирилган. Шу туфайли совет кишилари саломатлигини янада хушёрлик билан қўриқлаш учун фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаяпмиз. Биз доришунослар ҳам жонажон партиямиз XXV съездини муносиб ютуқлар билан кутиб оламиз.

Ҳа, А. Эргашев бошлиқ аптека-магазин коллективи меҳнатда қувончли ютуқларга эришмоқда. Ойлик, квартал планлари мунтазам ортиғи билан адо этилмоқда.

А. ҚОДИРОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

АНГОЛАДАГИ АҲВОЛ

ДАКАР, 30 октябрь. (ТАСС). Бу ерда нашр этилувчи «Африка» журнали Ангола миллий озодлик фронти (ФНЛА) деб аталмиш фронт Ангола халқидан бутунлай узоқ ғирт қабилавий ташкилот эканлигига эътиборни жалб қилмоқда. Журналнинг хабар беришича, ФНЛА қуролли отрядларида асосан Заирнинг жанубида яшовчи Киконго қабиласининг одамлари бор. Киконго қишлоқларидан аскарликка олинганлар жанубий Заирдаги Кинкусу ва Котаколи махсус лагерларида Хитой инструкторлари раҳбарлигида ҳарбий тайёргарликдан ўтмоқдалар.

Маҳаллий аҳоли ФНЛАнинг киконголиклардан тузилган ва Анголага келган отрядларига ажнабийлар сифатида қарамоқда. ФНЛА солдатлари, деб ёзади журнал, маҳаллий аҳоли билан бир оз бўлсада сўзлашмоқ учун француз-португал сўзлашув китобчаларини ёнларида олиб юрибдилар.

КЕСКИНЛИК САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

БАЙРУТ, 30 октябрь. (ТАСС). Ливан пойтахтида ҳамон кескинлик сақланиб турибди. Шаҳарнинг кўпгина районларида ва унинг атрофларида тўп, миномет ва ракета қўллаган ҳолда қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Матбуотнинг хабар беришича, ўтган сутка мобайнида 50 дан ортиқ киши ўлдирилган ва 75 киши жароҳатланган.

Кеча Захле ва Ад-Дамур шаҳарларида ҳам қуролли тўқнашувлар юз берган.

Байрутда яна бензин тахчил бўлиб қолди, озиқ-овқат етишмаяпти.

Бош министр Р. Караме ўтган кун мобайнида мамлакатнинг турли сиёсий арбоблари билан учрашди.

У прогрессив социалистик партия раиси К. Жумблат билан, Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан, фаластинликларнинг бир қанча раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Бу учрашувда Ливан ички хавфсизлик кучларининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

К. Жумблат журналистлар билан қилган суҳбатида таъкидладики, мамлакатнинг прогрессив ватанпарвар кучлари ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни қатъий бажаришга тайёрликларини бир неча бор айтганлар. У ўнг кучлар илгари эришилган битимларни доимо бузиб келаётганликларини таъкидлади.

НАЙЗА-ХУНТАНИНГ ТАЯНГАН КУЧИ

ОТТАВА, 30 октябрь. (ТАСС). Канаданинг мўътабар «Глоб энд мейл» газетаси эълон қилган мақолада Чилидаги фашист хунтаси инсон ҳуқуқини муттасил поймол қилаётганлиги ҳақида ёзади.

Террор Латин Америкасидаги шу мамлакатда ҳаёт нормаси бўлиб қолди, деб таъкидланади мақолада. Репрессиялар ҳамда ваҳшиёна қийноқлар Чили охранкаси — миллий разведка бошқармасининг кундалик иши бўлиб қолди. Маҳфий хизмат органи сал шубҳа билан истаган кишини қамоққа олиши ва унинг тақдири тўғрисида қариндошларига хабар бермаслиги мумкин. Минг-минглаб чилиликлар сингари ҳар бир қамоққа олинган киши бедарак йўқолиб кетиши мумкин.

Гарчи Чили хунтаси ўз турмалари ва қамоқ лагерларида 5 минг сиёсий маҳбус борлигини маълум қилган бўлса ҳам, лекин «Глоб энд мейл» газетаси бу рақам жуда ҳам камайтириб кўрсатилган, деб уқтириб ўтади.

Суратда: Париждаги Эйфель минорасидан Шайо саройининг кўриниши.

Б. Клиппанцер фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУХАРЕСТ. Шу йилнинг бошидан буён Бухарестда 21 мингдан зиёдроқ оила янги шинам квартираларга кўчиб ўтди. Бу уйлар асосан пойтахтнинг янги районларида қурилмоқда.

Бошқа шаҳарларда ҳам кўпдан-кўп ҳовли тўйлари ўтказилмоқда.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконен янги ҳукумат тузишни Мартти Миеттуненга (марказ партияси) топширди.

ИСЛОМОБОД. Исломободда Покистон миллий ассамблеясининг қишки сессияси очилди. Саккиз ойлик бойкотдан кейин сессия ишида биринчи марта оппозицион партия вакиллари иштирок этмоқда.

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам Республикасининг экономика ва молия министрлиги мамлакатда барча хусусий страхование компанияларининг фаолиятини таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Министрликнинг фармойишида ана шу компаниялар давлат ва хусусий шахслар билан тўла-тўкис ҳисоб қилганидан кейин бекор қилиниши кўрсатиб ўтилган.

МЕХИКО. Мексиканинг Тинч океан соҳили узра ўтган охирги «Оливия» циклонининг оқибатида 30 дан зиёдроқ киши ҳалок бўлди. 56 минг киши Мастлан шаҳрида бошпанасиз қолди, ҳар 8 та иморатнинг биттаси вайронага айланди.

БАМАКО. Мали пойтахтида рус тилини ўрганиш курсларида машғулотлар бошланди. Бу йил биринчи марта рус тилини 300 дан ортиқ тингловчи ўргана бошлайди. Бу рекорд рақам ғарбий Африка мамлакатидаги омма орасида рус тилини ўрганиш кенг тарқалаётганидан далолат беради.

ДАЛАГА — ЛЕКЦИЯ УҚИГАНИ

Область партия комитети лекторлар группаси ва область «Билим» жамиятининг правлениеси дала меҳнаткашлари ва ҳашарга чақирилган шаҳарликлар ўртасида лекция ва суҳбат ўтказиш учун штатсиз лекторларнинг бир группасини барча пахтакор районларга юборди.

Агитбригадалар пахта далаларида шу куннинг энг муҳим темаларида лекция ва суҳбатлар ўтказадилар, меҳнаткашларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар. Кўзга кўринган олимлардан профессор Ф. Абдуҳакимов, К. Сулаймонов, Т. Исмоилов ва бошқалар пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Лекторларнинг мавзулари жуда хилма-хил. Улар халқаро, медицина, ҳуқуқ, маънавий тарбия, экономика темаларида суҳбатлар ўтказадилар, лекциялар ўқийдилар.

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Шу кунларда Оққўрғон районининг пахта далаларида бадиий ҳаваскорлик коллективларини учратиш мумкин. Улар «оқ олтин» ижодкорларига маданий хизмат кўрсатишмоқда.

Район маданият уйи, хўжаликларни оталиққа олган Тошкент ва Олмалиқдаги бир қатор муассаса ва ташкилотларнинг бадиий ҳаваскорлари пахтакорларнинг бўш вақтлари қувноқ ва кўнгилли ўтиши учун бир-биридан қизиқарли концерт программаларини намойиш қилмоқдалар.

Яқинда ҳаваскорлик коллективлари Карл Маркс, Куйбишев, Навоий номли колхозларда концерт беришди. Пахтакорлар район маданият уйи ва шаҳарликларнинг бу хизматларидан мамнун бўлдилар.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. — 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — **Футбол: «Пахтакор» — «Спартак».** 18.50 — Кўргазма заллари бўйлаб. 19.20 — **«Ахборот».** 19.40 — «9-студия» (Москва). 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 21.10 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Синган тақа** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Теленовелла. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Физкультура ва спорт. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Фильм-концерт. 12.35 — Ўқув кўрсатуви. 13.05 — Бадиий фильм. 18.00 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.40 — ТОШКЕНТ. 20.10 — Телефильм. 20.40 — **Одамлар ва маннекилар** (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Кинопанорама. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ДУШАНБА.

2 ноябрь, якшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Адабий викторина. 18.30 — **«Ахборот».** 18.45 — Москва цирки — меҳмонимиз. 19.25 — Идеология ва ҳаёт. 19.55 — **«Ахборот».** 20.15 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 20.35 — **Телеминиатюралар.** 21.15 — МОСКВА. **Футбол: «Динамо»** (М). 22.45 — **Пазанда** (бадиий фильм). 24.00 — **«Вақт».** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Рустам ҳақида достон (эпик оратория). 11.00 — **Оламга саёҳат.** 12.00 — Қувноқ воқеалар (телетеатр). 12.50 — Ўқитувчилар учун консультация. 13.20 — Ўқув кўрсатуви. 13.50 — Киноэкран янгиликлари. 14.20 — **Комиссия** (спектакль). 18.00 — МОСКВА. Мультфильмлар. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Опера билан учрашув. 21.05 — илмий-оммабоп фильм. 21.15 — **Санников ери** (бадиий фильм). 22.45 — Концерт. 23.00 — **Киносаёҳатчилар клуби. УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ДУШАНБА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/XI да **Олтин девор,** 2/XI да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/XI да **Жон қизлар,** 2/XI да **Кўнгли ёш қариялар,** 3/XI да **Қонли тўй.**

ШАПИТО ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастроли** (15.00, 19.00).

КИНО

Оддий муҳаббат — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — «МОСКВА», «НУКУС», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

КУЗ ҲАВОСИ

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Бошқа фасллар каби кузнинг ҳам ўзига хос гашти бор.

Одатда киши кузда ўзини енгил сезиб, илдам қадам босади, иштаҳаси очилиб, хушсурат бўлади. Шакарпалак қовуни, тарвузлар, ҳўл мевалар таркибидаги микроэлементлар (темир), ширинликлар (фруктоза, сахароза) ва витаминлар (А, В, С, РР) кишининг шу моддаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради.

Кузнинг ҳавосидан, ширин меваларидан баҳраманд бўлган кишининг юрак томирлари, ошқозон-ичаклари тўғри йўлга тушиб олар экан, энди у унча-мунча дардга берилмайди. Чунки, организмнинг умумий ҳолати тубдан ўзгарган бўлади. Куз келиши билан ич кетиш касалликлари, баъзи бир кўз оғриқлари, овқатлардан заҳарланиш кескин камаяди.

Аммо, куз фаслининг ўзига хос «инжиқлик»лари ҳам бор. Ўпкага совуқ ҳаво кириши билан эски йўтал (сурункали бронхит, зотилжам, бронхиал астма) қўзғалиши ёки бод, бел ва умуман бўғин оғриқлари «уйғониши» мумкин.

Маълум ёшдаги болаларда томоқ безларининг яллиғланиши, қулоқларининг оғриши, бошсуяк оралиғидаги бўшлиқларнинг шамоллаш каби хасталиклар «очилиб» қолади. Бу касалликларга мойил беморлар бир қатор эҳтиёт чораларини кўриб қўйишлари керак. Кечаси очиқ дераза олдида ухлаб қолмаслик, транспортда очиқ ойна рўпарасида турмаслик, совуқ ичимликлардан ўзини тийиш шулар жумласидандир.

Куз ва қиш фаслларида оёқни қуруқ ва иссиқ тутиш катта аҳамиятга эга. Пойафзал тез-тез мойлаб турилса, у юмшоқ бўлибгина қолмай, балки оёққа нам ва сув ўтказмайди. «Бошингни совуқда, оёғингни иссиқда тут» деб бежиз айтилмаган-ку!

Совуқда дала ишлари билан банд кишиларнинг қўллари ёрилиб, дағаллашиши мумкин. Шунда нашатир спирти (икки қисм) билан глицириннинг (бир қисм) аралашмаси суртилса, қўл тоза ва мулойим бўлади. Ёғингарчилик кунларида киши тез шамоллаб қолиши мумкин. Бунда бош оғрийди, бурундан сув келади, акса уради ва ҳоказолар. Шунда шакар ёки асал билан иссиқ чой, иссиқ шўрва, мастава ичиш ва ўралиб ётиш мақсадга мувофиқ. Баъзилар сульфедимезин (норсульфазол) гардини бурунга ҳидлаб, озгина аспирин ёки аналгин (пирамидон) ҳам татиб кўрадилар. Бунақа муолажа қилган киши дув-дув терлайди-да эрталабгача шамоллаш аломатларидан фориғ бўлади.

Эрта наҳорда ич кийимда чопиш, совуқ сув билан ювиниш, томоқни ғарғара қилиш, бурунга сув тортиш, сўнг яхшилаб (тери қизаргунча) артиниш баданнинг чидамлилигини оширади. Эрта кузда бунақа чиниққан киши шамоллаш, тумов ва гриппга чалинмайди.

Куз ва бошқа фаслларда об-ҳавонинг ўзгариб қолишини «мана ман» деб айтиб турган белги ва аломатлари ҳам бор. Кечаси қорачигирткалар анча вақтгача «гурунглашса», эртасига ҳаво очиқ бўлади, деяверинг! Эрта наҳорда асалариларга дуч келсангиз ёки гул чечаклар гиламдек очилиб турса, кун иссиқ бўлиб, ҳаво очилади. Товуқлар барвақт тулласа, қиш иликроқ келади. Дарахт барглари учидан сарғайса, баҳор эрта келади, деган гаплар бор.

Республикамиз шароитида куз кўпинча қуруқ ва давомли келиб, ёқимтой об-ҳавоси билан кишилар соғлиғига-соғлиқ қўшади. Куз ҳавоси — тан давоси, деб шуни айтадилар-да.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

ПОЛЬША ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси билан Польша Халқ Республикаси физкультура ва туризм Бош Комитети томонидан Санъат саройида 30 октябрь куни ташкил этилган «Польша-туризм мамлакати, дўстлар мамлакати» деган виставкани кўргани келган тошкентликлардан минг-минглаб кишилар ана шу кўргазманинг дастлабки томошабинлари бўлишди. Виставканинг экспонатлари қардош халқнинг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида, туристларнинг қизиқарли маршрутлари ўтадиган Польшадаги кўркам шаҳар ва қишлоқлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Виставкенинг тантанали очилишида Польша саёҳат бюросининг СССРдаги бош вакили Зенон Новаковски Польша Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида туристларнинг бориб келиши йилдан йилга кўпаяётганлигини, бу Польша—Совет дўстлигини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ПОЙГА НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Шу куни ёмғир шивалаб ёғиб турганига қарамай Тошкентдаги В. И. Ленин майдонига жуда кўплаб спорт ишқибозлари йиғилдилар. Улар бир неча кун илгари худди шу ерда старт олган «Социалистическая индустрия» соврини учун кўп кунлик велопойга қатнашчиларини кутиб олгани чиқишган эди.

Бир ҳафта кўпроқ вақт мобайнида уч қардош республика — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон йўллари бўйлаб ўтган мамлакатнинг навбатдаги чемпионатидаги «Динамо» жамияти велосипедчилари чемпионлик унвонини қўлга киритишди. Шу жамият аъзоси хизмат кўрсатган спорт мастери А. Пиккуус эса шахсий ҳисобда ҳам фахрий шоҳсупа тўрига кўтарилди...

Ленин номли майдонда мухлислар 12-босқич маррасига биринчи бўлиб ким келишини орзиқиб кутишарди. Радио орқали пойгачилар Тошкентга кириб келишганида динамочи Ю. Дайбов ва армиячи А. Кислякнинг жуда илгарилаб кетишганлигини эълон қилишди. Маррага ҳам ана шу икки спортчи биринчи бўлиб келди. Лекин бу пешқадамнинг вазиятига таъсир қила олмасди. Чунки, А. Пиккуус рақибларидан етти минут олдинда эди.

Бу галги чемпионатда ўзбекистонлик пойгачилар ҳам чакки қатнашишмади. М. Первеев («Буревестник») бешинчи, А. Савкин («Меҳнат») олтинчи ўринни олганлиги ана шундан далолат бериб турипти. Команда ҳисобида эса «Меҳнат» командаси тўққизинчи ўринни олди.

Энди бошқа совриндорлар ҳақида. Мусобақаларнинг сўнгги босқичида шахсий ҳисобда Ю. Дайбов биринчи, А. Кисляк иккинчи, Куйбишев шаҳри вакили А. Губайдуллин эса учинчи бўлди. Умумий ҳисобда «Динамо» командасидан кейинги икки совринли ўринни Қуролли Кучлар ва Куйбишев шаҳри терма командалари ишғол қилишди. Шахсий ҳисобда 12 босқич натижаларига кўра иккинчи ўринни «Труд» вакили Н. Тишков, учинчи ўринни эса спартакчи В. Чаплигин ишғол қилди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ўзбекистонлик пойгачи **А. Савкин** марра яқинида; мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган динамочи **А. Пиккуус.**

А. Абалян фотолари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р—20022. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3464.